УДК 410

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ДИСКУРСНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Ф.Ш. Қодирова

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги санъатшунослик соҳасига оид ўзлашма терминлар ҳамда инглиз ва ўзбек санъати диксурсидаги ўзлашма сўзлар терминологияси таҳлили амалга оширилган. Санъат атамалари тасниф қилиниб, уларнинг учта гуруҳи фарқланади. Хусусан, санъатда кенг қўлланиладиган сўз ва иборалар гуруҳи; таркиби жуда катта, кенг тарқалган сўз ва ибораларни ўз ичига олувчи гуруҳ ҳамда санъат тарихи нутқида катта барқарорликка эга бўлган, бирон-бир сифат ёки хусусиятни бевосита тасвирлаш учун ишлатилувчи иборалар тавсифланган. Шу асосда ўзбек санъати дискурсида атамалар таснифи ҳам амалга оширилиб, учта гуруҳ кўринишида мисоллар билан далилланган.

Калит сўзлар: *санъат, дискурс, тасвир, термин, концепт, нутқ, рассом, ибора, нафислик, тил, тушунча.*

В статье проведен анализ освоенных терминов искусствоведения на английском и узбекском языках, а также терминологии освоенных слов в дискурсе английского и узбекского искусства. В этом плане термины искусства классифицируются и выделяются три их группы. В частности, первая - это группа специфических слов и фраз, которые широко используются в искусстве, или просто называются языком искусства, а вторая группа, которая содержит очень большое количество распространенных слова и словосочетаний и третья группа слов, имеющие устойчивое применение в речи истории искусства, применяющиеся в основном не для того, чтобы подчеркнуть какое-либо качество или особенность, а для непосредственного ее описания. На такой же основе проводится классификация терминов в узбекском художественном дискурсе и подтверждается примерами в виде трех групп.

Ключевые слова: *искусство, дискурс, изображение, термин, концепт, речь, художник, фраза, тонкость, язык, понятие.*

Тил доимий ўзгарувчан органик тизим бўлиб, унда ҳар доим янги сўзларнинг истеъмолга кириш ва ундан чиқиш жараёни узлуксиз давом этади. Бундан ташқари, мавжуд сўзларнинг маънолари эволюцияга учраб, янги термин ва атамалар шаклланади. “Термин – келишилган маънога эга бўлган, расман тасдиқланган ва стандартда нашр этилган сўз ёки ибора” [1]. Бироқ барча атамалар стандартлаштирилмаганлиги сабабли атаманинг таърифи маълум бир категория (классификация)га киритилади.

Қуйида санъат атамалари таснифининг учта гуруҳини кўриб чиқамиз.

Санъатшунослик матнларида нисбатан кичик ҳажмни эгаллаган атамаларнинг биринчи гуруҳи ўзига хос сўз ва иборалардир: *stiletto, impressionism, Cubism, Abstract Expressionism, quattrocento, easel, etching, palette-knife, hatch-strokes, square-ended strokes, stencil, ceramics, etching* ва бошқалар. Бир сўз билан айтганда, булар санъатга хос бўлган сўзлар ва атамалар йиғиндисидир. Улар санъатда кенг қўлланиладиган сўзлар ёки оддийгина санъат тили деб аталади.

Иккинчи гуруҳга *oil, painting, conposition, line, contour, surface, pigment, space, canvas, segment, pattern, plane, texture, sculpture* каби кенг тарқалган сўз ва иборалар киритилади ва уларнинг таркиби жуда катта. Улар орасидаги баъзи атамалар (*line, texture, space* кабилар) нинг маъноси кенг тарқалган маънодан бироз фарқ қилади, чунки улар санъат тарихида маълум бир объектни белгилаш ва қўшимча билимларни олиш учун ишлатилади.

Учинчи гуруҳ иборалари санъат тарихи нутқида катта барқарорликка эга бўлиб, бирон-бир сифат ёки хусусиятни таъкидлаш учун эмас, балки уни бевосита тасвирлаш учун

ишлатилади [5. Б. 68-81.]. Санъат тарихининг барча матнлари инсоннинг бадиий ва ижодий идрокига мурожаат қилади. Бадиий асар томонидан тақдим этилган ҳис-туйғуларни танқидчи идроки орқали тавсифлаш учун бошқа атамалар мавжуд эмас. Бунда муаллиф дастлаб умумий сўзлардан фойдаланиб, уларни махсус тарзда ишлатади, улар "қўшма", ўзига хос сунъий сўзлар (клишелар) гуруҳини ташкил қилади. Айнан шу бирликлар концептуал тизимнинг асосий қисмини ташкил қилади ва уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- "материал" бирликлар (яъни онгимизда маълум бир анъанавий ассоциацияга эга бўлган қандайдир сифатга асосланганлар): *newly-discovered potential of colour, draughtsmanlike in manner, painting of mood, an emotionally arresting painting, hatchings and blocks of colour, completely disregarding shades of colours, non-representational areas of colour, autonomy of colour, sense of colour, spatial values, de-clarified world, instability of the sculpture, ambivalent motif: evolutionary techniques, utterly isolated.*

- "абстракт" (мавҳум, яъни ҳар қандай ҳақиқий сифат ёки ҳаракат билан боғлаш қийин бўлган тушунчалар): *charismatic fascination, critical scrutiny, non-representational elements, natural lie, involuntary rigidity of precision composition, autonomous status of draughtsmanship, the act of painting, arresting grace and beauty. aesthetic ideals, great artistic charm, dynamic presence, and its nimble movements, an identifiable image of a body, outmoded notions, real original, mere cult figure of the Modernist movement, stylized human head, delicacy of the heads, hand drawn likenesses,* a prospect of unsullied happiness.

- "кучайтирма сифатлар": *heavily symbolic paintings, absolute aesthetic impact, wide open in pain, extreme foreshortening, assured and harmonious paintings, balanced impression, remarkable and noteworthy handling, extreme youth, enormous canvas, enormous popularity.*

- муболағадор лексик бирликлар: *prospect of unsullied happiness, chaotic phenomena of culture, personification of genius, deep-seated differences, arms stretched heavenwards, great allegorical painting, timelessly ancient and universally accessible, spatially undefinable landscape, entire compositional logic, important fruit of his journey, machine-made bodies, an act of pure terrorism, massive global pull of Picasso, vigorous brushwork.*

Юқоридаги атамаларнинг ифодавийлиги уларнинг семантикасини яширади, чунки санъатшунослик дискурсида ифода ва унинг мазмун билан боғлиқлиги ёритилади. Бу жараёнда аниқ терминологик маъно йўқолади, бу ўқувчи онгида ёрқин тасвирлаб бўлмайдиган маълум бир кўриниш билан алмаштирилади. Бу каби атамалар гуруҳи дискурс учун алоҳида аҳамият касб этади, чунки у санъат объектига хос хусусиятларни, адресатга ҳиссий таъсирни, бадиий асарнинг эстетик қиймати тавсифини ўзида мужассамлаштиради.

Сўз ўзлаштирилаётган тил ҳамда ўзлаштирувчи тилнинг товуш таркиби ва грамматик қурилиши аксарият ҳолларда фарқли бўлади. Бундан ташқари, сўз ёки термин ҳар доим ўзлашма тилдаги маъноси билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзлаштирилмайди. Кўпинча бошқа тиллардан ўзлаштирилаётган сўз ва терминлар ўзлаштирувчи тилнинг фонетик ва грамматик меъёрларига мослаштирилади, баъзан сўз ёки терминни ўзлаштириш жараёнида айрим маъно ўзгаришлари ҳам рўй беради.

Ўзлашма термин тўлалигича ёки фақат шаклий, ёки семантик жиҳатдан бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлардир. Ўзлашма терминлар қайси тилга тааллуқли эканлигидан қатъи назар, ўша тилнинг талаффуз меъёри, сўз ясалиш тизими, унинг қонуниятларига бўйсунади.

Тилшунос Х.Дадабоев ўзбек терминологиясининг ўз ички имконияти ҳисобига бойишидаги икки хил усул ҳақида фикр юритиб, тилда мавжуд бўлган, тайёр сўзлардан фойдаланиш ва ўзбек адабий тилининг сўз ясаш имкониятлари орқали янги терминлар яратиш муҳимлиги ҳақида тўхталган [2].

Маълумки, тил луғавий таркибининг салмоқ касб этишида ички ва ташқи омилларнинг аҳамияти катта. Мазкур омиллар тилнинг ўз ички имкониятлари асосида янги сўзлар ясаш ҳамда бошқа тиллардан сўз ўзлаштирилишидир. Ҳар икки ҳолат маълум эҳтиёж, зарурият туфайли амалга ошади ва бу жараёнда ҳам лисоний, ҳам нолисоний (экстралингвистик) омиллар иштирок этади.

Терминлар тилга турлича ўзлаштирилади. Хусусан, М.В.Володина ўз мақоласида С.В.Гринев ажратиб кўрсатган ўзлашмаларнинг уч турини эътироф этади:

1. Моддий ёки тўғридан-тўғри, "оригинал"

ўзлашма: сўзнинг моддий (товушли ёки график) шакли ва мазмунининг ўзлашиши. Унинг турлари: лексик, формал, морфологик.

2. Калькалаш: сўзнинг фақат семантик тузилиши ўзлашади. Унинг турлари: сўз ясовчи, семантик, фразеологик.

3. Аралаш ўзлаштириш ёки гибридлар: лексеманинг бир қисми ўзлаштирилади, иккинчиси таржима қилинади ёки тилда мавжуд бўлади. Унинг турлари: ярим калька ва ярим ўзлашмалар [3. Б. 54-61].

Ўзлаштирилган терминлар маълум бир лингвистик хусусиятларга эга бўлгандагина уларга ўзлашма терминлар сифатида қараш мумкин. Хусусан:

1. Чет тилидаги сўзнинг ўзлаштираётган тилдаги график ва фонетик воситалар билан ифодаланиши.

2. Ўзлашма сўзнинг ўзлаштираётган тил грамматик шакл ва категориялари билан уйғунлашиши.

3. Ўзлашманинг семантик мустақиллиги.

4. Ўзлашма терминнинг муайян терминологик системада доимий равишда қўлланилиши [4. Б. 46].

Санъатшуносликка оид терминологияда сўз ўзлаштириш усули муҳим ўрин тутади. Бу усул соҳа терминологияси шаклланишининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади.

Инглиз тили тасвирий санъат ва дизайн терминологиясида айрим ўзлашма терминларнинг маъноларини изоҳлаймиз:

Intarsia the inlay of woods of different shape, grain, and colour to form a pattern or picture (Нақш ёки расм ҳосил қилиш учун турли шаклдаги, кичик қисмлар ва рангларнинг ёғочдан қадама нақши).

Marouflage originally referred in murals on canvas attached to a wall with white lead as the adhesive (Адгезив сифатида оқ қўрғошин билан деворга қистирилган холстдаги фрескалар).

Amorino a chubby, naked winged boy used in European decorative art from the Renaissance onwards. The type derives from Greek and Roman representations of the love-god Eros/ Cupid but is reinterpreted in Christian art as a child-angel (Ренессанс давридан бошлаб Европа декоратив санъатида қўлланилган қанотли яланғоч дўмбоқ бола. Ушбу севги маъбуди Эрос/Купидоннинг юнонча ва романча ифодаларидан олинган, аммо христиан тасвирий санъатида бола-фаришта сифатида қайта талқин қилинган).

Ўзбек тили тасвирий санъат ва дизайн терминологиясида ўзлашма терминларнинг салмоғи юқори. Қуйида айрим ўзлашма терминларнинг маъноларини изоҳлаймиз:

Акцинизм термини “актёр сифатидаги рассом” ва “яратувчанлик жараёнининг табиатга қизиқиш тарзи” маъноларини билдиради.

Консоль термини “баландлиги проекциясидан ошадиган “S” шаклидаги кронштейн ёки камарча” маъносини англатади.

Аэрограф термини “катта ўлчамли авторучкага ўхшаш асбоб, сиқилган ҳаво орқали ранг ёки бўёқ сачратиш”ни билдиради.

Казеин термини “сут оқсилидан казеин бўёқларни ишлаб чиқариш”га нисбатан қўлланилади.

Аннулет термини “колонна атрофидаги горизонтал халқа” маъносини англатади.

Антиквар термини “антиквариат ёки осори атиқаларни тўпловчи коллектор” маъносини билдиради.

Коллаж термини “барча шаклдаги кесилган қоғоз қисмларини дизайн яратиш учун бошқа юзага бириктириш ва қистириш” маъносини англатади ва ҳоказо.

Ўзлашма терминлар орасида ясалма терминлар алоҳида ўрин тутади. Бундай терминларнинг морфемик таҳлилидан маълум бўлдики, тасвирий санъат ва дизайн соҳаси терминларининг ясалишида сўз ҳосил қилишнинг ички имконияти, яъни аффиксация усули анча фаол. Бундай ясовчи воситалар асос қисмга бирикиб, янги маъноли терминлар ясайди. Шунингдек, мазкур соҳалар терминологиясида ўзлашма терминлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан айримлари ўзга тиллардан тўғридан-тўғри қабул қилинган бўлса, айримлари калькалаш асосида ўзлаштирилган.

Санъатшунослик соҳаси терминологиясида аффикслар билан ясалган қуйидаги терминларнинг ўзбек тилига тўлиқ ўзлашиши кузатилади:

animation – анимация
classicism – классицизм
anthemion – антемион
constructivism – конструктивизм
bestiary – бестиарий
batik – батик
automatism –автоматизм
damascening – дамаскинаж

Аффиксация усулида ясалган бу турдаги тасвирий санъат ва дизайн терминларининг ўзбек тилига ўзлашганини тасдиқлаш учун уларнинг шу тил доирасида морфологик кўрсаткичларга бўлинишига қараб маълум бир хулосага келиш лозим.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзлашма санъатшуносликка оид терминларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири уларнинг термин ясовчи префикслар ёрдамида ҳосил бўлганлигидир. Масалан, *antepondium – антепендиум, antiquary – антиквар, anti-art – антисанъат* кабилар.

Шунингдек, ўзлашма префикслар иштирокида ясалган от терминлар қаторига *нео-, гипер-, пост-, прото-, супер-, контр-* каби ясовчилар билан ясалган *neoclassicism, neoimpressionism, neorealism, neoexpressionism; hyperrealism, postimpressionism, postmodernism, proto-Renaissance, superrealism; неоклассицизм, неоимпрессионизм, неореализм, неоэкспрессионизм; гиперреализм, постимпрессионизм, постмодернизм, трансавангард, проторенессанс, суперреализм, контражур* кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Ўзбек тилига қуйидаги туб терминлар ўзлаштирилган: *аверс, арка, бисер, жанр, бюст, вернисаж, бисквит, бистр, геба, гектор, гуашь, геликон, калька, контур, макет, стиль, формат, эскиз, штрих* ва ҳоказо.

Бошқа соҳавий терминологик тизимга қараганда дизайн ва санъат соҳаси терминлари, асосан, икки компонентли терминлардир. Масалан, *абстракт санъат* термини, одатда, реалликни ифодаламайдиган санъат турига нисбатан ишлатилади; *абстракт экспрессионизм* термини эса 1940 йиллар охири ва 1950 йиллар бошларидаги Америка рассомлик санъати йўналишига нисбатан қўлланилган бўлиб, абстракт ҳамда психик ифодалаш шаклларини англатган [6. Б. 86].

Ўзлашма терминлар икки компонентдан таркиб топганда *аслият + ўзлашма* ёки, аксинча, *ўзлашма + аслият* ёхуд *ўзлашма + ўзлашма* шаклида ясалган терминлар бўлиши кузатилади. Бундай терминларни қуйидагича акс эттириш мумкин:

Аслият → Ўзлашма:
кўк джон
ранглар гаммаси
қора базальт
саноат (индустриал) дизайни
хом сиенна
кесилган медаль
санъат синтези

Ўзлашма → Аслият:
классик санъат
акрил ранг
геометрик санъат
коллодион услуби
копт санъати
граффити санъати
линолеум кесмаси
металл нуқта
понтил белгиси
понт-авен мактаби

Ўзлашма → Ўзлашма:
оп арт
объектив абстракция
анимал жанр
батал жанри
боди арт
лирик абстракция

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, инглиз ва ўзбек тилларида дизайн ва тасвирий санъат соҳасига доир терминларнинг аксарияти икки ва ундан ортиқ компонентлидир. Бу ҳолат терминларнинг ихчам, қўллашга қулай бўлишини таъминлаш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ягона ифода шаклига солиш заруратини юзага келтиради.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги терминларнинг таркибий хусусиятларини таҳлил этиш натижасида инглиз тилида ясама термин ҳисобланган тасвирий санъат ва дизайн терминлари ўзбек тилига ўзлашганида туб термин тарзида қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Инглиз тилига тасвирий санъат ва дизайн соҳасига оид ўзлашма терминлар, асосан, француз, лотин, юнон, итальян, немис тилидан кириб келган. Масалан, немис тилидан ўзлашган *abriss* (“*чизиқ”, “хомаки расм”*) термини “ўта юпқа материалларга туширилади-ган контур тасвир”ни ифодалайди. *Лессировка* термини немис тилида *lasiere “*сир билан қоплаш” маъносини англатади. Тасвирий санъатда бу термин зич ҳолда қуриган текисликда бўёқларни жуда юпқа, бақувват ва хирароқ қоплашга нисбатан қўлланилади.

Итальян тилидан инглиз тилига ўзлашган тасвирий санъатга оид терминлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

акварель термини “сувда эрувчи бўёқ”ни англатади;

барокко термини (итальян тилида *barocco)*

“жимжимадор, ажиб, ғалати” деган маънони билдиради, VII–XVIII асрларда Европа мамлакатларидаги меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат услуби;

колорит термини *(*итальян тилида *colorito)* “ранг, бўёқ” маъносида ишлатилади. Тасвирий санъатда реал ҳаётни ҳаққоний акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблигини англатади;

майолика термини *(*итальян тилида Maiolica*)* Мальорка оролининг қадимги номидан келиб чиққан бўлиб, “керамика тури, махсус рангли тупроқдан сирлаб тайёрланган сопол” маъноларини билдиради;

макет термини (итальян тилида *Makkietta) “*хомаки” маъносини ифодалаб, “бирор жой, нарсанинг кичрайтириб тайёрланган фазовий шакли” маъносини англатади.

Француз тилидан инглиз тилига ўзлашган дизайн соҳасига оид терминлар қуйидагилар:

entablement термини “бинонинг юқори, классик архитектура ордерларининг колонна тепасида жойлашган ажралмас қисми”ни англатади;

bas-relief термини француз тилида “паст, бўртма рельеф” маъносини англатади, ҳайкалтарошлик санъатида “турли ҳажмга эга бўлган бино безаклари, инсон портретларини, асосан, турли хил тошлар, металлар, қурилиш материалларидан кенг қўлланиладиган гипсга ўйиб ишлаш”ни билдиради;

gallery термини француз тилидаги *galeril* сўзидан олинган бўлиб, “жой” маъносини англатади. Дизайн соҳасида кенг қўлланилувчи бу термин турар жой, жамоат, маъмурий ва маиший бинолар ичидаги “узун, тор йўлак, жой”ни билдиради;

high relief дизайн соҳасига тегишли бўлган мазкур термин француз тилида “бўртма ҳайкал ёки нақш” маъносини, инглиз тилида “ҳайкал ёки нақшли гулнинг ярмидан кўпи бўртиб чиққанлиги”ни англатади;

battle genre термини француз тилидан олинган бўлиб, “жанг, уруш” маъносини англатади. Ушбу термин тасвирий санъатда “жанг, уруш манзараларини акс эттирувчи жанр”га нисбатан қўлланилади;

stained glass термини французча *vitva* сўзидан ўзлашган бўлиб, “дераза ойнаси” маъносини англатади. Инглиз тилида термин сифатида “ойнадан ёки ёруғлик ўтказувчи бошқа материаллардан қилинган рангли расм ёки нақшли композиция”ни англатади.

Инглиз тилидаги ўзлашмаларда синонимик қаторлар ҳам кузатилади. Масалан, немис тилидан ўзлашган *abriss* термини ва француз тилидан ўзлашган *contour* термини ўзаро синоним ҳисобланади. *Абрис* термини “калька, ўта юпқа материалларга тушириладиган контур тасвир”ни англатса, *контур* термини предметнинг умумий шаклини тасвирловчи “кўриниш”, “чизиқ” маъносида келади.

Тасвирий санъат ва дизайн соҳаларида инглиз тилига юнон тилидан ҳам бир қатор терминлар ўзлаштирилган: *autolithography* (юнон. autos – ўзим, litos – тош, grapho – ёзаман, чизаман); *diptych* (юнон. *diptikos* – икки қават, буклама) – бир мавзудаги бир-бирининг мазмунини тўлдирадиган икки картина; *гемма* (лот. *gemma* – марварид) – ўйма тасвирли тош; *glyptic* (юнон. *gliptike, глифо* – кесаман) – асл тошлар ўймакорлиги санъати ва ҳоказо.

Дизайн соҳасига тегишли *автогравюра* термини икки ўзлашманинг бирикувидан ҳосил бўлган термин ҳисобланади: юнонча *autos* (“ўзим”) ва французча *gravure* (“ўймакорлик”).

Санъатшунослик ва умуман бошқа йўналишларда ҳам айрим тушунчалар бир тилдан бошқа тилга таржима қилинмасдан узатиладиган, агарда таржима қилинса, атама қобилиятини йўқотадиган маъно тусларига эга. Шунинг учун ҳам улар ўзгартирилмасдан, келиб чиққан тилида қандай бўлса, шундай қўлланилади [6. Б. 86]. Бундан ташқари, чет тили луғатидан фойдаланиш терминологик хусусиятга эга бўлиб, французча ва итальянча сўзларни, объектларни ёки уларнинг хусусиятларини номлашдан ташқари, яна бир муҳим функцияга эга: улар нутқ белгилари ва матн ҳокимиятининг белгилари сифатида ишлайди, чунки “классик” матнларда илмий билимларнинг қиймати жуда катта. Шу сабабдан ҳам кўпинча бу матнларда хорижий луғатнинг прагматик маъноси сўзнинг таржима маъносидан анча муҳимроқдир. Буларнинг барчаси Пикассо санъати тарихи тўғрисидаги дискурсларда ҳам ўз аксини топганлиги олиб борилган таҳлиллар давомида аниқланди.

“Замонавий” санъат тарихи дискурсининг яна бир хусусияти чет эл луғатларидан фойдаланишдир. Бу орқали классик санъат билан узвий боғлиқлик яратилади, чунки “классик” санъатшунослик матнлари француз ва итальян, шунингдек, юнон, немис тилидаги сўзлардан фойдаланилиши билан ажралиб туради. Бу

муаллифларнинг мумтоз санъатга эътибори юксаклигини ва классик санъатни тан олишини кўрсатади. Пикассо санъати дискурси ҳам классик, ҳам замонавий бадиий матн таркиби ўлароқ бир қанча ўзлашма сўзларни ўзида намоён этган. Қуйида уларни кўриб чиқамиз:

Итальянча ўзлашма сўзлар:

Chiaroscuro – *Picasso tried to render the chiaroscuro factor in the original Velazquez through contrasts of darker and lighter shades of colour, but the overall result was not convincing.* "Енгил (билинар-билинмас) қоронғилик" деган маънони англатувчи итальянча атама, одатда расм ёки чизмада ёруғлик ва қоронғиликнинг кучли, драматик контрасти мавжуд бўлганда қўлланилади. Рассомлар ўз ишларида ишончли ҳажм ва ўлчов ҳисси яратиш учун "*chiaroscuro"*дан фойдаланадилар.

Contrapposto – *The 1961 Football Player (p. 211) is a perfect example of this. The figure, seen in mid-game, has his left arm raised, his right swung down in an arc. There is a classical contrapposto in the position of the legs. The footballer is plainly about to put his full force into a kick.* Бу итальянча атама бўлиб, қарама-қаршилик деган маънони англатади ва инсон фигурасининг вазни бир оёғига нисбатан кўпроқ мувозанатда эканини, натижада елка, қўл, сон ҳамда оёқлар мувозанатдан четга чиқишини тасвирлайди. Бу позиция ҳайкалтарошликда энг машҳур бўлиб, классик асрларга бориб тақалади.

Fresco – *His arresting motion study, Women Running on the Beach (p. 107), uses motif details from Raphael's Vatican frescoes and from an ancient Medean sarcophagus in the National Museum in Rome, both works Picasso saw in 1917.* Фреск расм – бу интонако, яъни юпқа гипс қатламига пигмент қўллаш орқали яратилган девор ёки шифт санъат асари. Унинг номи итальянчадан "янги" деб таржима қилинган, чунки бўёқ қўлланганда ҳақиқий фресканинг гипси нам бўлади.

Французча ўзлашма сўзлар:

Avant-grade – французча ушбу атама "олдинги қўриқчи" деган маънони англатади. Бу атама рассомлар ва санъат асарларига, шунингдек, умуман санъат ҳаракатларига нисбатан қўлланилиши мумкин. Одатда бу атама экспериментал, ғайриоддий ва илғор фикрлайдиган санъат олами вакиллари учун хосдир.

Oeuvre – *For that reason it seems wise, if one is to convey even a hint of Picasso's growth and accomplishment as an artist, his significance and stature, to restrict one's view to the essentials: to a generous selection of works, to be sure, but a rigorously chosen selection that affords a concentrated overview and thus a well-informed point of access to his oeuvre.* Бу сўз ёзувчи, рассомнинг ҳаётий ижодини ташкил этувчи салмоқли асар маъносини англатади.

Artifice – Бу сўз ижодий маҳорат ёки ақлидрокни таъкидлайди, лекин бунда ёлғон ва ҳийла-найранг туйғуси ҳам мавжуд. Санъат, одатда, ёлғондан устун туради, бунинг ўрнига таҳлил қилиб бўлмайдиган ижодий кучни таклиф қилади.

Assemblage – *Following this line, Picasso devised another new form, the assemblage. Basically it transposed the methods and effects of collage into three dimensions. As well as wood, Picasso used metal here; but it was painted over, and its original textural properties were no longer recognisable.* Ушбу сўз рассом томонидан тозаланган ёки махсус сотиб олинган турли хил элементларни – кўпинча кундалик нарсаларни йиғиш орқали яратилган санъатни англатади. Ассамблеядан санъат яратишга ёндашув сифатида фойдаланиш Пабло Пикассонинг кубистик конструкцияларига бориб тақалади, у 1912 йилдан бошлаб шу йўналишдаги уч ўлчовли ишларни ярата бошлаган.

Trouvés – тасодифан топилган ва рассом учун эстетик аҳамиятга эга бўлган табиий ёки ташлаб кетилган объектни ифодалаш учун қўлланиладиган французча атама. Рассомлар ҳамиша турли хил материаллардан фойдаланганлар ва баъзилари топилган нарсалардан таъсирдор санъат асари яратишга эришганлар.

Бундан ташқари, дискурсда *artiste, collage, montage, colles, frottage* каби атамалар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Ўзбек санъати дискурсидаги атамалар тасниф қилинганда, қуйидаги учта гуруҳга ажратилди.

Ўзбек санъатшунослиги матнларида келган санъат атамаларининг биринчи гуруҳи ўзига хос сўз ва иборалардир: *миниатюра, симпозиум, кулолчилик, атторлик, алам-бик, манускрипт, фолиант, чарм, дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, китоб графикаси, коллаж техникаси, автопортрет* ва бошқалар.

*И*ккинчи гуруҳга *бўртмалар, чуқурчалар, графин, кўза, жом, қадаҳ, лаган, ликопча,*

безак, флакон, эскиз, этюд, фанера, картон, холст, сиёҳ, панно, акварель, сиёҳ, қаҳва, апликация, рангли итальян қоғози, мато, енгил қум каби кенг тарқалган сўз ва иборалар киради. Бу сўзлар таркиби жуда катта бўлиб, санъат терминологияси, яъни санъатга хос бўлган сўзлар ва атамалар йиғиндисидан иборат. Улар санъатда кенг қўлланиладиган сўзлар ёки оддийгина санъат тили деб аталади.

Шунингдек кейинги гуруҳ бирликлари санъат тарихи нутқида катта барқарорликка эга бўлиб, бирон-бир сифат ёки хусусиятни таъкидлаш учун эмас, балки уни бевосита тасвирлаш учун ишлатилади. Ушбу бирликларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- “материал” бирликлар (яъни, онгимизда маълум бир анъанавий ассоциацияга эга бўлган қандайдир сифатга асосланганлар): *қушлар тасвири, спиралсимон доиралар, диагональ чизиқлар, нақш мотивлари, эпиграфик битиклар, ранг гаммаси, табобат идишлари, шиша ип, шиша шарча, археологик қазишма, доривор малҳамлар, тематик картина, меъморий ландшафтлар, жанрли картиналар, ранглар жилоси, архитектура пластикаси, миниатюра поэтикаси, ракурс бурчаги, динамик композиция, декоратив унсурлар, шеърий девон, қаламтасвир сирлари ва ҳаказо.*

- “абстракт” (мавҳум) тушунчалар: *социалистик реализм, маҳаллий муҳит, Шарқона руҳ, илҳом манбаи, эстетик идеаллар, миллий қадриятлар, миллий мерос, рангнинг эҳтироси таъсирчанлиги, пластик ечим, миллий фольклор, ижодий парвоз, миллий бадиий анъана, халқ маиший турмуши, ранг уйғунлиги, ранглар қарама-қаршилиги, ҳаётнинг ҳаққоний манзараси, бадиий вазифа, фантасмогорик характер, шарқона мавзу, европача билим, жанрли-нарратив талқин, ҳаёт поэтикаси, майин чизгилар, иссиқ ранглар, тезкор ва ясси суртмалар, киноялиуслуб, ижодий жараён поэтикаси;*

- “кучайтирма сифатлар”: *шишадан ясалган нафис қадаҳлар, ён томони кескин вертикал, қиммматбаҳо атирлар, косасимон шаклдаги узун бурунчали идишлар, қизиқарли ва жўшқин маданий муҳит, улуғвор меъморий обидалар, ёрқин ва бой колорит, устувор зумрад-яшил туслар, маҳобатли деворий рангтасвир суратлари, маҳобатли деворий рангтасвир;*

- муболағадор лексик бирликлар: *жазирама қуёш тафтини мужассам этган; ижодий парвоз.*

Таҳлил давомида ўзбек санъати дискурсида сифатлардан ҳамда абстракт боғламли тушунчалардан кўпроқ фойдаланилганлиги аниқланди. Маълумки, ҳар бир тилда сифатлар гапнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Сифатлардан фойдаланиш шахс ёки нарса-буюмнинг табиати, сифати, белги-хусусиятини аниқ ифодалаш имконини беради. Таърифловчи сўзларсиз бирон нарсанинг қандайлигини аниқ айтиш мушкул. Шунинг учун санъат дискурсида фақат олмошлар ва отлар эмас, балки бирор нарса ёки шахсни тасвирлаш учун ишлатиладиган сифатлар ҳам муҳим ўринга эга.

Сифатлардан ўринли ва унумли фойдаланиш матннинг янада визуал ва ўзига хос бўлишини таъминлайди. Ўқувчи санъат ҳақидаги матнларни ўқиш жараёнида тасвирий сўз ва бирликлар орқали мазмунни англайди, тасвирланаётган объект, воқеа-ҳодиса ёки шахс тўғрисида тасаввурга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, матнда сифатлардан фойдаланиш ўқиш жараёнининг анча қизиқарли бўлишини таъминлайди ва санъат дискурсида матн учун оҳанг вазифасини ўтайди.

Санъат дискурсидаги абстракт боғламли тушунчалар эса сўзнинг ўзи билан боғлиқ ҳолат нима эканлиги ва у қандай юзага келганлиги ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Жараён ўқувчидан барча аниқ тафсилотларни ва муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермайдиган ортиқча элементларни олиб ташлайди. Бу ўқувчининг тасвирланган ҳолат ҳақида фикрини шакллантиришига ёрдам беради.

Сўзлар турли даврларда ва турли мақсадларда фан, тиббиёт, санъат, техника каби соҳалар орқали ўзлаштирилган. Шу билан бирга, вақт ўтиши билан ҳар қандай миллий тил бир қанча ўзгаришларга учрайди. Ўзлашма сўзлар ўзбек тилига қабул қилингач, семантик, таркибий жиҳатдан ўзгаришга учраган, у ёки бу даражада морфологик маъносини, ҳатто фонетик ифодасини ҳам ўзгартирган. Ўзлашма сўзлар кейинчалик келиб чиқиши ёки этимологиясини йўқотган соф сўзларга айланиб, ўзбекча сўзлар билан қоришиб ҳам кетади.

Ўзлашма сўзлар кириб келишининг асосий сабаби тилда мос келадиган сўз бўлмаса, бошқа тилнинг имкониятларидан фойдаланишдир. Олинма сўзлар сўзлашувчиларнинг манба тилидан ўз она тилига сўзларни қабул

қилиш жараёнини англатади.

Ўзбек санъати дискурсида ҳам баъзи сўзлар ўзлаштирилган ва уларнинг аксарияти рус, француз ва инглиз тилларидан олинган.

Ўзбек санъати дискурсида *декоративизм* (рус), *симпозиум* (*symposium* – лотин), *утилитар* (французча), *этюд* (французча), *колорит* (рус), *контраст* (француз-итальян), *картина* (рус), *факсимиле* (лотин) каби олинма сўзлар мавжуд.

Адабиётлар:

1. Pearson J. Terms in Context. Amsterdam & Philadelphia: John Benjamin's Publishing Company. 1998. –258 p.

2. Дадабаев Х.А. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 113 б.

3. Володина М.В. Терминологическая номинация и информационная картина мира // Научно-техническая терминология (научно-технический реферативный сборник). – Москва, 1996. Выпуск 1. – С. 54-61.

4. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология. Фонетика. Морфология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.

5. Маньковская Н.Б. Хронотипологические этапы развития неклассического эстетического сознания // Эстетика: Вчера. Сегодня. Всегда. Вып. 1 – Москва: ИФ РАН, 2005. – С. 68-81.

6. *Қодирова Ф.* Инглиз ва ўзбек тилларидаги тасвирий санъат ва дизайнга оид терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертацияси. – Тошкент, 2021.

7. *Қодирова Ф.* Инглиз тилида тасвирий санъатга оид терминларнинг ривожланиш тарихи ҳақида // O'zbekistonda xorijiy tillar. – 2016. – № 4(12). – Б. 75–81.

8. *Березанская И.Ю.* Консубстанционалъные термины в лингвистической терминологии английского и русского языков: Сравнительный анализ: Дисс. на соиск. ...канд. филол. наук. – Москва, 2005. – 303 с.

9. *Брунова Е.Г.* Термины пространственной ориентации в древнеанглийском языке: этимологический анализ на индоевропейском фоне: Дисс. на соиск. ...канд. филол. наук. – Москва, 1998. – 179 с.

10. *Бондаренко И.В.* Английская терминология мореходства как предмет филологического исследования: Дисс. на соиск. ...канд. филол. наук. – Москва, 1992.– 261 с.

SIMILAR AND DIFFERENT ASPECTS OF MODERN DISCOURSE IN DIFFERENT SYSTEMATIC LANGUAGES

Fazilat Sh. Kodirova[1,2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 7(67). 91-100.

[1]Uzbekistan State World Language University, Tashkent, 100170, str. Kichik halka, 21 (Uzbekistan). E-mail: uzdjtu@uzswlu.uz

[1]Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 100174, Olmazor district, str. University, 7 (Uzbekistan). E-mail: info@mininnovation.uz

Key words: art, discourse, image, term, concept, speech, artist, phrase, elegance, language, concept.

The article carried out an analysis of the terms of development in the field of art in English and Uzbek languages, as well as terminology of words in English and Uzbek art. In this sense, the terms of art are classified, and three groups of them are distinguished. In particular, the first is a group of specific words and phrases that are widely used in art, or simply called the language of art; the second group, which contains very large, common words and phrases in composition, as well as the third group, described phrases that have great stability in the speech of art history, which are used not to emphasize any quality or feature, but to describe it directly. On this basis, the classification of terms in

Uzbek art discourse is also carried out and proved by examples in the form of three groups.

It is known that internal and external factors are of great importance in the development of the vocabulary of the language. These factors are the ability of the language to make new words based on its internal capabilities and to master words from other languages. Both cases take place due to a certain need, necessity, and both linguistic and non-linguistic (extralinguistic) factors are involved in this process.

A term is a term that is fully or only formally or semantically borrowed from other languages. Regardless of which language the terms apply to, the pronunciation norm of the same language, the system of Word formation, is subject to its laws.

An important place in terminology related to art science is occupied by the method of mastering words. This method is considered one of the main sources of the formation of industry terminology. We explain the meanings of some mastering terms in English Fine Arts and design terminology:

Intarsia the inlay of woods of different shape, grain, and colour to form a pattern or picture (step pattern of wood of various shapes, small parts, and colors to form a pattern or image) and hakazo.

In the terminology of Fine Arts and design of the Uzbek language, there is a high proportion of mastering terms. Below we explain the meanings of some mastering terms:

The term actinism means" artist as an actor "and" the way the process of creativity is interested in nature."

The term console means" S-shaped Kronstein or belt that exceeds the projection of height."

Among the phraseological terms, yasalma terms occupy a special place. From the morphemic analysis of such terms, it became clear that the internal possibility of Word formation, that is, the affixing method, is much more active in the construction of terms of the field of Fine Arts and design. Such making tools attach to the base part and make new meaningful terms. In the terminology of these areas there are also mastering terms, some of which are borrowed directly from other languages, while some are mastered on the basis of calcification.

In the terminology of the field of art science, a complete assimilation of the following terms, Made With Affixes, into the Uzbek language is observed: animation –animation, classicism – classicism, anthemion – antemion.

Another characteristic of terms related to art studies is that they are formed using term-making prefixes. For example, antependium – antependium, antiquary – antiquarian, anti-art – anti-art etc.

The following indigenous terms are mastered into Uzbek: avers, arka, biser, genre, bust, vernisaj, biscuit, bistr, Geba, Hector, gouache, Gelicon, kalka, contour, layout, style, format, sketch, barcode, etc.k.

When mastering terms are composed of two components, it is observed to be Terms made in the form of origin + absorption or, conversely, absorption + origin or absorption + absorption. Such terms can be reflected as follows:

Original → incoming:	incoming → original:	incoming → incoming:
Ko'k djon	*klassik san'at*	*on art*
Ranglar gammasi	*akril rang*	*obektiv abstraktsiya*
And etc	*and etc*	*and etc.*

As a result of the analysis of the structural features of terms in English and Uzbek, it turned out that the terms Fine Arts and design, which are considered a term Made in English, were adopted in the form of a radical term when they were adopted into Uzbek.

References:

1. Pearson, J. (1998) *Terms in Context.* Amsterdam & Philadelphia: John Benjamin's Publishing Company.

2. Dadabayev, X.A. (1991) *Obshestvenno-politicheskaya i sotsialno-ekonomicheskaya terminologiya v tyurkoyazichnix pismennix pamyatnikax XI-XIV vv* [Socio-political and socio-economic terminology in the Turkic written monuments of the 11th-14th centuries]. Tashkent: Yozuvchi.

3. Volodina, M.V. (1996) Terminologicheskaya nominaciya i informacionnaya kartina mira [Terminological nomination and information picture of the world]. *Nauchno-tekhnicheskaya terminologiya (nauchno-tekhnicheskij referativnyj sbornik).* Issue 1. Pp. 54-61.

4. Tursunov, U., Muxtorov, J., Rakhmatullayev, Sh. (1975). *Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Leksikologiya. Fonetika. Morfologiya* [Modern Uzbek literary language. Lexicology. Phonetics. Morphology]. Tashkent: O‘qituvchi.

5. Mankovskaya, N.B. (2005) Hronotipologicheskie etapy razvitiya neklassicheskogo esteticheskogo soznaniya [Chronotypological stages in the development of non-classical aesthetic consciousness]. *Estetika: Vchera. Segodnya. Vsegda*. Issue 1. Moscow: IF RAN, Pp. 68-81.

6. Kodirova, F. (2021) *Ingliz va o‘zbek tillaridagi tasviriy san’at va dizaynga oid terminlarning lingvokulturologik xususiyatlari* [Linguistic and cultural characteristics of terms related to visual art and design in English and Uzbek languages]. PhD dissertation in philological sciences. Tashkent.

7. Kodirova, F. (2016) *Ingliz tilida tasviriy san’atga oid terminlarning rivojlanish tarixi haqida* [About the history of the development of terms related to visual arts in English]. *Foreign languages in Uzbekistan*. Pp. 75-81.

8. Berezanskaya, I.Y. (2005) *Konsubstansionalnie termini v lingvisticheskoy terminologii angliyskogo i russkogo yazikov: Sravnitelniy analiz* [Consistent terms in the linguistic terminology of the English and Russian languages: Comparative analysis]. Dissertation of the candidate of philological sciences. Moscow.

9. Brunova, E.G. (1998) *Termini prostranstvennoy oriyentatsii v drevneangliyskom yazike: etimologicheskiy analiz na indoyevropeyskom fone* [Terms of spatial orientation in Old English: an etymological analysis against an Indo-European background]. Dissertation of the candidate of philological sciences. Moscow.

10. Bondarenko, I.V. (1992) *Anglijskaya terminologiya morekhodstva kak predmet filologicheskogo issledovaniya* [English terminology of navigation as a subject of philological research]. Dissertation of the candidate of philological sciences. Moscow.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҚОДИРОВА Фазилат Шукуровна – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Инновацион ривожланиш вазирлиги Инсон капиталини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.
E-mail: fazilatkodirova@gmail.com